

Хар бир инсон ўз хаёти давомида талайгина ажойиб замондошлар билан учрашиб, улар билими, маданияти ва рухий оламидан баҳраманд бўлиб яшайди. Биз шундай кишилар билан учрашиш, улар билан мулокотда бўлиш, улардан ибрат олиш жараёнида шахс сифатида, бирор соҳанинг мутахассиси сифатида шаклланиб борамиз. Ўйлайманки, ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида адабиёт майдонига кириб келган бир гурух ёшлар учун атокли адабиётшунос олим ва драматург Иzzат Султон ана шундай сиймолардан бири эди. Камина 1958 йилнинг сўнгги ойларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг хозир Алишер Навоий номи билан аталган Тил ва адабиёт институтига ишга келганимда, Хомил Ёкубов замонавий ўзбек адабиёти бўлими мудири, Иzzат Султон эса адабиёт назарияси бўлими мудири бўлиб хизмат килишарди. Ўша йилларда Абдулла Кодирий номи эндиғина тилга олина бошлаган, адабнинг “Ўткан кунлар” романи эса (Иzzат Султоннинг сўзбоиси билан) узок танаффусдан сўнг китобхонлар кўлига етиб борган ва шу тарихий воеа туфайли жамият хаётида умидбахш шабадалар эсаётганди. Иzzат Султон ўзбек адабиётшунос олимларининг пешкадами бўлганлиги учун жабрдийда ёзувчиларимиз номидан “халк душмани” тамгасини олиб ташлашдек хайрли ишга бош кўшган, хатто Абдулла Кодирий хаёти ва ижодини диссертант сифатида ўрганишга шогирди Ахмад Алиевни жалб этган эди. Кунларнинг бирида институтнинг хозир Ўзбекистон телевидениесига карашли биносидаги каттагина залида мазкур диссертациянинг мухокамаси бўлди. Сталинча катагон сиёсати кораланган бўлса-да, хали сталинизмнинг машъум кўланкалари фан ва маданият майдонларини тарқ этмаган пайт. Абдулла Кодирий сингари ижодкорларнинг окланиши бу кўланкалар учун тасодифий ходиса бўлиб, уларни “шўро адабиёти”нинг “покиза майдони”га киритиш, улар ижоди хакида диссертациялар ёзиш сиёсий хатодан бўлак нарса эмас эди. Хуллас, икки кун давом этган ва, асосан, Хомил Ёкубов билан Иzzат Султон ўртасида кечган кескин “жанг”да устоз ракибини “нокаут” килибгина колмай, Абдулла Кодирий ижодини ўрганиш ишига катта ва машаккатли йўлни очиб хам берди.

Камина ўша икки кунлик мухокамада Иzzат Султон деган улкан олимни илк бор кашф этдим. У кейинчалик хар икки бўлим томонидан тайёрланган икки жилдлик “Ўзбек шўро адабиёти тарихи очерклари” учун Абдулла Кодирийнинг ижодий портретини ёзиб берди. Тўрт жилдлик “Ўзбек шўро адабиёти тарихи” яратилаётган кунларда эса, Абдулла Кодирийнинг адабий портретини ёзишни хали катта тажрибага эга бўлмаган Иброҳим Мирзаевга хавола этди. Биз устоздан бундай карорга келишни кутмаган эдик. Кўп ўтмай, бизнинг шубҳамиз асоссиз эмаслиги маълум бўлди: янги муаллиф устоз маколосидаги фикрларни айнан такрорлашдан нари ўтмаган эди. Шунга карамай, Иzzат Султон ёш олим ёзган адабий портретни химоя килди. Кейин ўйлаб кўрсам, у, биринчидан, Абдулла Кодирий ижодини ўрганишга ёш адабиётшуносларни жалб этиб, кодирийшунослар сафини кенгайтиришни ният килган, иккинчидан эса, фанда монополия ходисасига ўз ибрати билан чек кўймокчи бўлган экан.

Иzzат Султоннинг бундай хислатли ишлари оз эмас. Эллигинчи йилларда катагон киличи яна ялангочланиб, яна “халк душманлари”ни фош этиш талвасаси бошланганда, айrim кимсалар гўё “Ойбек Покистонга бориб келганидан сўнг: “Агар мен Покистонда тугилиб, ўша ерда яшаб ижод килганимда, улуг адиб даражасига эришган бўлардим”, деган ва, хатто, Покистонда сиёсий бошпана сўраб колмокчи хам бўлган”, деган машъум гапни таркатганлар. Уларнинг фикрларича, бу “факт”ни гўё Иzzат Султон хам тасдиқлаши

мумкин эди. Аммо тегишли идорага чакирилган Иззат Султон: “Бу Ойбек бошига Абдулла Кодирийлар кисмати келишини истаган кишиларнинг навбатдаги тухматидир”, деб адибни мардона химоя килган. Олтмишинчи йилларда эса, Абдулла Каххорнинг эллик йиллигига багишланган юбилей кечасида маъруза килиб: “Адиб асарларини она тилида ўқиган китобхон рус тилида ўқиган китобхонга караганда, катта завк-шавк олади. Ўзбекистонда истикомат килаётган руслар ва русзабон миллат вакиллари Абдулла Каххор асарларидан шундай завк олиш учун хам ўзбек тилини ўрганишлари лозим”, деган сўзларни айтган. Бу, барвакт айтилган сўзлар бўлганлиги туфайли устоз анча вакт сояда яшашга мажбур бўлган.

Шўро даврида яшаган фан ва маданият намояндаларининг хак гапни айтишлари осон бўлмади. Шу боис, мустакил фикрли ижод ахли кўпроқ тарихий ўтмишга ёки бошка халклар хаётига мурожаат этишга мажбур бўлди.

Юкорида баён килинган сўзлардан Иззат Султон хар доим хам хакикат учун курашган олим ва ижодкор бўлган экан, деган таассурот келиб чикмаслиги лозим. Негаки, хар бир инсон, аввало, ўз даврининг фарзанди. Мустабид шўро тузуми даврида яшаган аксар давлат, жамоат, фан ва маданият арбоблари большевикларнинг халк ва мамлакатни, Уйгун ифодаси билан айтсак, “коммунизмнинг гул bogлари” сари бошлаб бораётганига астойдил ишонгандар ёки ўзларини шунга ишонтиромокчи бўлганлар. Иззат Султон хам бу борада истисно бўлмаган. Акс холда, “Алишер Навоий” пъесаси муаллифларидан бири Туркистанда шўро хокимиятини ўрнатишда фаол катнашган Фрунзе хакидаги “Бургутнинг парвози” драмасини ёзмаган бўларди.

Иzzат Султон 1910 йили Ўш шахрида дунёга келган. Унинг бобоси Сартой Султон сариқдан келгани ёки рус тилида бемалол “чугурлашган”и учунми, хамшахарлари “Султон сариқ” деб аташган. Ана шу Султон сариқ асли туркистанлик бўлиб, чорвадорлик билан машгул бўлган. Туркистан XIX асрнинг олтмишинчи йилларида истило этила бошлаганида, мустамлакачи зобитларидан бири унга рус кўшинини гўшт билан таъминлаб туриш вазифасини топширган. Шу тарзда Сартой Султон рус кўшинлари Хитой чегараларига етиб боргунига кадар ўн икки йил давомида уларни гўшт билан таъминлаб борган. Нихоят, Ўш шахрида муким яшаб колиб, Ўш хокимига мирзалик ва тилмочлик килган. Шу ерда унинг фарзанди Отахондан Иззатулла исмли бўлажак ўзбек олими ва драматурги дунёга келган.

Иzzатулладан аввал Рахматулла, Хабибулла ва Файзулла исмли уч акаси, кейин эса Саодат исмли синглиси тугилган. Сартой Султон тўнгич невараисини рус-тузем мактабига ўкишга берган. Рахматулла шу мактабни битиргач, Тошкентга келиб, ўзбек билим юритида ўкишни давом эттирган. Аммо у таргибот ишларини олиб бориш учун бизга номаълум кишилар томонидан Фаргона водийсида шўроларга карши курашаётган “босмачилар” орасига юборилган. “Босмачилар” дастлаб Рахматулланинг окил ва ориф киши эканлигини кўриб, унга нисбатан хурмат кўрсатишган, сўнгра, уни жадид хисоблаб, калласини олганлар. Бу даҳшатли воеа Фаргонанинг Равот кишлогида содир бўлган. Якин дўстининг 24 ёшида дунёни фожиали равишда тарк этиши Чўлпонни ларзага келтирган ва у дўстига багишлаб кўз ёшларини тўка-тўка бундай марсия ёзган:

Йўлдошим, замзама бўлдинг-да, кетдинг,
Бор эдинг, йўколдинг, ўлдинг-да, кетдинг,
Гул эдинг, очилмай сўлдинг-да, кетдинг,
Йўклик денгизига тўлдинг-да, кетдинг.

Кичкириб, оркангдан югурдим, чопдим,
Гариблар мозорин истадим, топдим,
Кўрай деб сўнг чогда термулиб бокдим,
Сен эсанг юзингни бурдинг-да, кетдинг.

Элингнинг тилаги етимми колди?
Бошига кайгуни ўлимми солди?
Жонингни тангриси севибми колди?
Айтмадинг, оғзингни юмдинг-да, кетдинг.

Богчангга ёш кўллар экарлар гуллар,
Очилмок истайлар лола-сунбуллар,
Фирок куйларини куйлар булбуллар,
Сен бўлсанг йўкликка урдинг-да, кетдинг,
Кўкармай, яшармай, кўрдинг-да, кетдинг.

(Камина Рахматулла Султонов хакида макола ёзиб, шу шеърни кайта эълон килганимда, Иззат Султон, жарохати янгиланганига карамай, мендан мамнун бўлиб, хатто акасининг суратини топиб беришга ваъда килган эди, аммо топа олмаган).

Устознинг кичик акаси Файзулла Андижонда маълум вакт муаллимлик килиб, хатто драматург Комил Яшинга илк адабий сабок берган, аммо, аксар андижонлик зиёлилар катори, 1937 йил тегирмонидан омон чикмаган. Этиқдўзга шогирд тушиб, турмуш ташвишлари билан яшаган Хабибулла эса сил касаллигига йўликиб, онаси билан синглиси Саодатни додга колдириб кетган.

Иzzat Султон хаётнинг машаккатли сўкмокларидан ўтиш асносида шахс сифатида шаклланиб борди.

1924 йилда “развёрстка” деган сўз пайдо бўлган. Бу “развёрстка”га кўра, хар бир вилоят фалончадан болаларни йирик шахарларга ўкишга юбориши лозим эди. Ана шу “развёрстка” сабаб бўлиб, Иззатулла дастлаб Кўконга, сўнгра Тошкентга ўкишга юборилди. У 1927 йилга кадар Бешогочдаги Ўзбек эрлар билим юртида ўкиди. Шу йили билим юрти билан Ўқчи кўчасидаги техникумнинг битирувчи гурухлари кўшиб юборилди. Иззатулла шу ўкув юртини туттаганидан сўнг, 1939 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга келгунига кадар яна бир канча жойларда хам ишлаб, хам ўкиди.

1939 йил 4 январда Фанлар Комитети ёшлар ташкилотининг котиби Йўлдошев имзолаган маълумотномага караганда, Иззат Султон мазкур илмий даргохга “жойлашиб олган душманларга нисбатан хушёрлик кўрсатмагани ва “Кизил Ўзбекистон” газетасидаги маколаларида халк душманларини кескин фош этмагани ва кўпол хатоларга йўл кўйгани учун” ёшлар ташкилоти аъзолигидан ўчирилган ва ишдан бўшатилган. (У шу вактда Фанлар Комитети аспирантурасида ўкиб, айни пайтда, “Кизил Ўзбекистон” газетаси таҳририятида хизмат килаётган эди).

Иzzat Султоннинг хаёт йўлини шу тарзда кўз олдимииздан ўтказар эканмиз, унинг рус тили ва рус маданиятини яхши ўзлаштиргани сабаблари билан хам, алгов-далгов йилларнинг курбонлари бўлган акалари такдиридан маълум хulosса чикаргани билан хам, очлик йилларида кийналган ўсмирнинг Кўкондаги болалар уйида – етимхонада, сўнгра, асосан, етим-есирлар ўкиган Алмай номидаги билим юртида тарбиялангани сингари

турфа воеалар билан хам танишамиз. Шундай хаёт йўлини босиб ўтган кишининг дунёкараши хам, албатта, мураккаб жараёнда ўзгариб-шаклланиб борган.

Такдир Иzzат Султонга турмушнинг кайси кўчаларида юриш ва яшашни раво кўрган бўлса, унинг кўнглида доим адабиётга бўлган меҳр яшади, шу адабиётнинг улуг сиймоси Алишер Навоийга бўлган хурмат ва эътиқод яшади. Буни карангки, бўлажак олимнинг 1931 йил 16 сентябрда “Ёш ленинчи” газетасида босилган дастлабки маколаси ўзбек мумтоз адабиётининг шу буюк асосчисига багишланган ва «Мир Алишер Навоий” деб аталган эди. Шундан кейин ёш олимнинг “Фарход ва Ширин”нинг янгила кўйилиши”, “Адабий меросимизни ўрганайлик” (1937), “Руставели ва Навоий” (1938), “Макорим ул-ахлок” хакида”, “Навоийнинг тадқикотчилари” (1941), “Макорим ул-ахлок” ва унинг муаллифи” (1945), “Навоийга замондош шоирлар тўгрисида” (1948) сингари катор маколалари эълон килинди. Унинг 1942 йили ёзган “Буюк Алишер” киносценарийси эса Уйгун ва В.Шкловский билан хамкорликда ёзилган “Алишер Навоий” киносценарийси хамда Уйгун билан хаммуаллифликда ёзилган шу номдаги машхур драманинг майдонга келишида пойдевор бўлиб хизмат килди. Комил Ёрматов экранлаштирган фильм хам, Маннон Уйгур саҳналаштирган спектакль хам ўзбек кино ва театр санъатларининг шох асарларидан бири бўлиб колди. Олим 1946 йилда “Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари ва унинг танкидий матни” мавзууда номзодлик диссертациясини химоя килди. Шу тарзда Алишер Навоий мавзуи Иzzат Султон илмий ва ижодий фаолиятининг асосий кон томири бўлиб колди. Унинг олтмишинчи йиллардан бошлаб хаётининг сўнгги кунига кадар Тил ва адабиёт институтидаги анъанавий Навоийхонлик анжуманларига раислик килгани бежиз эмас.

Агар ижодкор севимли мавзуга хам олим, хам ёзувчи сифатида ёндашса, мавзу унинг калбидан чукур ўрин олибгина колмай, яширин кирраларини хам дафъатан намоён этиб юборади. Навоий хаёти ва ижоди билан олим сифатида шугуллана бошлаган Иzzат Султон буюк шоирнинг рухига кириб яшади. XV асрда Хиротда рўй берган воеаларни Навоийнинг кўзи билан кўриш ва унинг калби билан хис килишга уринди.

Шубҳасиз, Навоий хакида роман ёки сахна асарини ёзиш учун, аввало, у хакдаги бирламчи тарихий манбалар билан танишиш зарур эди. Хамид Олимжон ва Уйгун билан хамкорликда ёзишга ахдлашилган “Алишер Навоий” драмасининг ижодий тарихи тўгрисида сўзлаб, Иzzат Султон шогирди Нўъмон Рахимжоновга бундай деган эди: “...Драма яратишга келишиб олдик. Биринчи галда киладиган ишимиз Алишер Навоий ёзган асарларни, у яшаган давр илмий ва бадиий адабиётларини синчиклаб ўкиб-ўрганишдан иборат бўлди. “Хамса” достонлари туркумининг ўзини бир ой ўкидик. Хам катта хажмдаги асар, хам тилини тушуниш, ўзлаштириш кийинчиликлари бор эди. Йигилишган маҳалимиз Хамид Олимжон: “Алишер Навоий буюк талант эгаси экан. Бетимсол бир даҳо санъаткор. Форс адабиётининг таржимони, дея унинг юлдузига соя ташламокчи бўлишган экан, аслида”, – деди...

Иш йўсинимиз шу таҳлитда кечдики, Хамид билан мен Алишер Навоий асарларини бирма-бир ўкиб, маъно-мазмунини чакиб борамиз. Хамид билан икковимиз Навоийни хижжалаб ўкиб, тушунишга интилиб кунт ва ихлос билан ўтирадик. Абдулла Тўқай кўчасидаги Тил ва адабиёт институтининг биносида кўлёзмаларни олиб, аввал, “Равзат ус-сафо”, “Хабиб ус-сияр”, Хондамирнинг Навоийга багишланган машхур асарини марок ва шавк билан ўргандик. Шунда бир нарса эсимга тушди. Ўрганадиган, ўзлаштирадиган материал жуда кўп. Хаммасини ололмаймиз. Мухимларини ажратиб олайлик, дедим. Асосан, Хусайн Бойкаро, Маждиддин, Гули атрофида кечадиган воеаларни ажратиб

оладиган бўлдик...”

Шундан кейин Хамид Олимжон, Уйгун ва Иzzат Султон Октош кишлогига чикиб, асарнинг сюжет чизигини белгилаб олмокчи бўлишди. Шу орада Хамид Олимжонни Москвага чакириб, уни Латвия ёзувчиларининг биринчи курултойига юборишиди. Бу воқеа 1941 йилнинг июнь ойида – Иккинчи жаҳон уруши бошланажак кунлар арафасида рўй берди. Хамид Олимжон Москвадан кайтиб келгач, пъесанинг пардама-парда ишланган сюжети билан танишиб: “Бир ой ичидаги жуда кўп иш килиб кўйибсизлар. Мен чиқдим”, – деди. “Алишер Навоий” пъесаси шу тарзда майдонга келди.

Буюк шоирнинг 500 йиллик юбилеий Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши муносабати билан кечиктирилиб, 1948 йилда ўтказилди. Шунинг учун ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида олим ва ёзувчилар Навоийнинг 525 йиллигини ўз вактида ва муносиб нишонлаш учун жиддий тайёргарлик кўра бошладилар. Иzzат Султон адабиётимизнинг ана шу улкан байрамини янги асар билан кутиб олишга аҳд килди. У ўша кезларда Тил ва адабиёт институтида катта маърака сифатида ўтадиган йиллик Навоийхонлик анжуманларида шоир хаёти ва ижодининг номаълум сахифалари хакида маърузалар ўқиди ва шу жараёнда унда “Навоийнинг калб дафтари” китобини яратиш гояси пайдо бўлди.

“Навоийнинг калб дафтари”, – деб ёзган эди олим, – 1969 йилда босилиб чиқди. Аммо унинг устида мен 1939 йилдан бери ишламоқдаман. Навоий хаёти ва ижоди билан якиндан таниша бошлаганимдан бошлабок, унинг хаётини тўла акс эттирадиган бир китоб ёзиш нияти менда тугилган эди. Шу вактгacha ёзилган ва, шу жумладан, мен томондан ёзилган ишлар мени бир жихатдан каноатлантирmas эди: уларда фактлар муаллиф талкинига дучор этилади, бу талкин эса маълум даражада субъектив, бир ёклама бўлади. Вакт ўтган сари бу бир ёкламалик якколрок аён бўлиб колади. Албатта, маълум талкинсиз асар ёзиш мумкин эмас, аммо: “Муаллиф талкинидан кечмаган холда, фактларнинг нукул ўзини ёритиб бериш ва шу йўл билан талкиндаги бир ёкламаликни жуда кам даражага келтириш мумкин эмасмикан?” деган фикр мени кийнар эди. Бунинг учун китобнинг шаклини топиш керак эди. Бу шакл “тез келавермади”, мен кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил йиккан материал жавонда тўпланиб, вакт ўтган сари кўпайиб кетаверди. Ахийри, шакл “келди” – Навоийнинг ўз тили билан айтилгандек, бир кисса тузилди”.

Иzzат Султоннинг бу асари адабиётшунослар томонидан хам, Навоий ижоди муҳлислари томонидан хам самимий карши олинди. Унга матбуотда биринчи бўлиб муносабат билдирган улкан навоийшунос олим Абдуқодир Хайитметов “Шарқ юлдузи” журналининг 1971 йилдаги 5 сонида бундай деб ёзган эди:

“Иzzат Султон Навоий хаётини янгича нуктаи назардан, аникроги, шоирнинг ўз асарларидаги мавжуд икрорлари асосида, уларни замондошлари талкинига таккослаган холда ўрганишга харакат килади. Бу, албатта, асарнинг фазилатидир. Шу вактга кадар хеч бир тадқикотчи улуг шоир биографиясини ёритишда унинг ўз сўзлари, шеърий икрорларига бунчалик катта ахамият бермаган эди”.

Навоийшунос олимнинг бу сўзларига кўшилган холда яна айтиш жоизки, Иzzат Султон Навоийнинг машхур замондошлари Султон Ҳусайн Бойкаронинг “Рисола”, Бобурнинг “Бобурнома”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Ҳондамирнинг “Хабиб ус-сияр” ва “Макорим ул-ахлок”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вакоэъ”, Абдураззок Самаркандийнинг “Матлаъ ус-саъдайи” ва бошка асарларда Навоий хаёти ва ижодига оид хар бир лавха, хар бир ибора ва хар бир ишорага алохида ахамият бериб, улар

ёрдамида мураккаб тарихий даврда яшаган буюк шоир калбига назар ташлаш ва биз, китобхонлар эътиборини шу лавха, шу избора ва шу имо-ишораларга каратишга интилган. Агар “Навоийнинг калб дафтари” олимнинг сўнгги илмий асари бўлса, биринчи йирик илмий иши, шубҳасиз, 1939 йилда ёруг дунё юзини кўрган “Адабиёт назарияси”дир. Ана шу икки асар ўртасида кечган вактда Иззат Султон ўзбек адабиётининг мухим масалаларига багишлиланган ўнлаб илмий маколалар эълон килиш билан бирга, бадиий ижод соҳасида хам гоят самарали меҳнат килди. Бадиий диди ва нафосат туйгуси кучли олим ижод завқидан хам бебахра колишни истамади. Унинг назарида, бадиий ижод бирламчи, адабиётшунослик эса иккиламчи ходисалар эди. Инсоний сажияси пешкадамликка мойил бўлган устоз иккиламчи соҳанинг аччик нонини тотишдан кўра, бирламчи соҳанинг кайфу жафосини суришга кўпроқ мойил бўлди. У машхур “Алишер Навоий”дан кейин “Имон” (1960), “Номаълум киши” (1963), “Кўрмайин босдим тиканни” (1974), “Истехком” (1979), “Донишманднинг ёшлиги” (1979), “Оиласвий сир” (1982), “Кумуш шахар маликаси” (1983), “Олов” (1984), “Абдулла Кодирийнинг ўткан кунлари” (1988), “Какнус” (1994), “Ойдин кеча асирлигига” (1998), “Янги одамлар” (2001) пьесаларини ёзди ва уларнинг аксари сахна юзини кўрди. Бундан ташкари, унинг “Шоир калби” (1962), “Тонг олдида” (1972) опера либреттолари хамда “Алишер Навоий” (хамкорликда, 1948), “Имон” (1960), “Фидойи” (1963), “Сенга интиламан” (1973) сингари киносценарийлари майдонга келди.

Олимнинг адабиётшунослик фани уфкларини ёриб, бадиий ижоднинг бепоён майдонларига ўтгани ва шу майдонларда кўпроқ жавлон ургани тасодифий эмас. Иззат Султондек катта хаётий тажриба ва бой билимга эга бўлган, театр ва кино санъатларининг нозик билимдони ва серкирра истеъдод сохиби учун адабиётшунослик фани торлик килиб колган эди. У бутун умри давомида устози Фитратга ўхшашга, у сингари адабиёт ва санъат, фан ва маданиятнинг турли соҳаларида калам тебратиб, шу соҳаларда из колдиришга интилди.

Ўйлайманки, устоз колдириган из узок вакт ўчмайди. Шогирдлар ўзларининг илмий ва ижодий йўлларини шу издан бошлаб, кейин ўз йўлларини топиб оладилар. Устознинг энг яхши илмий ва ижодий анъаналари шогирдлар томонидан, албатта, давом эттирилади.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори